# Куч — адолатда

2011 йил, 30 сентябрь, жума
№ 38 (344)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


**Буюк истиқлолимизнинг ҳар бир йили тарих саҳифаларига улкан ютуқлар йили сифатида муҳрланмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, мустақиллик тарихига асло ўчмайдиган, ёрқин саҳифа бўлиб ёзиладиган улкан марраларни замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган соғлом ва баркамол авлодимиз тимсолида яққол кўрмоқдамиз. Бунинг замирида, шубҳасиз, ўқитувчилар ва мураббийларнинг машаққатли меҳнати, самарали хизматлари мужассамдир.**




# ТАЪЛИМ ФИДОЙИЛАРИНИНГ ҚАДРИ БАЛАНД

## Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади

Устозларни улуғлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан истиқлол йилларида ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш борасидаги эзгу ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ҳар бир мамлакатнинг тараққиёти, истиқболи, фаровонлиги, маънавий юксалиши, жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари сафидан ўрин олиши билимли, юқори интеллектуал салоҳиятли, қалби ва онгига эзгу фазилатларни жо этган ёшларга боғлиқ. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда **«Таълим тўғрисида»**ги қонуннинг қабул қилиниши айни эзгу мақсадларни кўзлаши билан бирга Ватанимизнинг маърифий тизими ривожида янги босқични бошлаб берди.

Юртимиз таълим соҳасини эскича қолип ва мафкуравий қарашлардан холи этиш, ҳар жиҳатдан етук ва баркамол, Ватан тақдири учун масъулиятни ҳис этадиган, фидойи, иймон-эътиқоди бақувват, фаол фуқаролик позициясига эга авлодни тарбиялаб вояга етказиш, ўқитишни сифат ва мазмун жиҳатдан мутлақо янгича поғонага олиб чиқиш, аввало, ўқитувчилар зиммасига шарафли ва айни пайтда масъулиятли вазифаларни юклайди. Шу боис таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли эзгу саъй-ҳаракатларда замонавий билим масканларини барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, янгича давлат таълим стандартларини яратиш ва улар асосида ўқув дастурлари, адабиётларни янада такомиллаштириш, айни пайтда ўқитувчилар меҳнатини эъзозлаш ва рағбатлантириш, уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш муҳим ўрин тутади. Бугун Ўзбекистонда таълим ислоҳотларининг узвий қисми бўлган ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришга оид ибратли ишлар жаҳоннинг кўплаб давлатлари томонидан юксак баҳоланиб, мустақиллик йилларида тўпланган бой ва илғор маърифий тажриба сифатида ўрганилаётир.

Президентимиз ташаббуси билан юртимизда **1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни** умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланаётгани мазкур йўналишдаги ишлар моҳияти ва аҳамиятини янада оширади. Ўқитувчиларнинг касб байрами арафасида ёшларни она юртга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган, таълим тизимида самарали ва ҳалол меҳнат қилаётган илғор педагоглар Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиши ҳам бунинг амалдаги ёрқин тасдиғидир.

Юртимизда **«Ўзбекистон Қаҳрамони», «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи»** фахрий унвонларига сазовор бўлган, Ватанимизнинг орден ва медаллари билан тақдирланган ўқитувчилар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Уларнинг илғор иш тажрибаси, самарали ўқитиш услуби бутун таълим муассасаларида жорий этилмоқда.

— Ўқитувчиларга кўрсатилаётган улкан эътибор ҳар бир педагогни янада кўпроқ изланишга, ўз касбининг мавқеи ва масъулиятини баланд тутишга ундамоқда, — **дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳридаги 53-мактаб-интернат директори Камолиддин Ғопиров.** — Дунёнинг ҳеч қайси давлатида учрамайдиган бундай рағбатни, меҳр ва ғамхўрликни бугун юртимиздаги ҳар бир устоз-муаллим ўзининг кундалик фаолияти ва ҳаётида ҳис этмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

*E`tirof*

# Шогирдлар камоли — устозлар бахти

**Ҳар шанба куни бешинчи синф учун математика дарси, одатдагидек, мусобақа тарзида ташкил этилади. Буни билган ўқувчилар ҳафта давомида ўтилган мавзуларни такрорлаб, дарсга пухта тайёргарлик кўриб келади.**

...Танаффус пайти бўлишига қарамай, ўқувчилар синфхонада бир-бири билан савол-жавоб қилиб ўтирибди. Ниҳоят, қўнғироқ чалиниб, синфга ўқитувчи ва мактаб илмий бўлим мудири кириб келди.

Муаллима ўтилган мавзулар бўйича саволлар берди. Ўқувчиларнинг деярли барчаси уларга аниқ ва лўнда жавоб қайтарди. Мавзуга оид тарқатма мисол ва масалалар ечилди.

Шу тарзда 45 минутлик математика дарси ниҳоясига етди. Ўқитувчи машғулот давомида юқори балл тўплаганларни ҳафтанинг энг фаол ўқувчилари, деб эълон қилди.

Бу — Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 34-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, «Шуҳрат» медали соҳибаси Завра Эркабоева томонидан олиб бориладиган дарс машғулотининг қисқача тафсилоти.

— Йигирма саккиз йилдан буён ўқувчиларга сабоқ бериб, болаларнинг руҳияти, қай тарзда фанни ўзлаштиришини озми-кўпми ўргандим, — дейди Завра опа. — Синфга кириб, фақат дарсликда ёзилганини такрорлаш, икки-учта масала ечиб кўрсатиш билан болани математика фанига қизиқтириб бўлмайди. Аввало, ҳар бир болага унинг дунёқараши, қобилиятини ҳисобга олган ҳолда муносабатда бўлиш, уни фанга қизиқтириш зарур.

Шунинг учун дастлабки машғулотларданоқ синфдаги ҳар бир ўқувчи билан самимий суҳбатлашаман, улар ўртасида турли танловлар ўтказаман. Шу орқали ўқувчининг қайси фанга қизиқишини, қобилияти ва камчиликларини аниқлаб оламан.

(Давоми иккинчи бетда)

**Маълумки, меҳнат бозорининг самарали ташкил этилиши аҳоли манфаатларини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Бунда иш берувчилар ходимларига хавфсиз меҳнат шарт-шароитлари яратилишига эътибор қаратиш зарур. Бу ходимларнинг меҳнат ҳуқуқи ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига йўл очади.**

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Меҳнат ҳуқуқлари қонун ҳимоясида

1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Меҳнат кодекси соҳага оид қонунларнинг тўғри ва бир хилда қўлланилиши ҳамда меҳнатга оид муносабатларни тартибга солишда асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти суди томонидан меҳнат низолари билан боғлиқ ишларни кўришда амалдаги қонунларга қатъий риоя этилмоқда.

Одил судловни амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш алоҳида эътиборда.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, Шаҳло Мўминова судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

(Давоми учинчи бетда)

*Mas`uliyat va majburiyat*

# Бурчингизни унутманг

**Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилингани ва шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури асосида соҳага оид қонунчилик такомиллаштирилгани тадбиркорлар учун янада кенг ва қулай имкониятлар эшигини очиб берди.**

Бу борада Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоялар, яъни мамлакатимизнинг янада ривожланиши учун демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш борасида қабул қилиниши зарур бўлган қонунлар кўрсатиб берилгани ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

2011 йил 24 августда давлатимиз раҳбарининг **"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони қабул қилингани бу



борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

(Давоми иккинчи бетда)

*Huquqiy ma`rifat*

# Буйруқ тартибида иш юритиш

## уни янада такомиллаштириш зарурияти

**Мамлакатимизда бошқа соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар бугун ўз самарасини бераётир. Айниқса, фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш вазифаси юклатилган фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик асослари яратилгани ва такомиллаштириб борилаётганини алоҳида қайд этиш лозим.**

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичда ҳам шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қатор вазифалар белгилаб берилди.

Маълумки, 1997 йил 30 августда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексида фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини белгиловчи меъёрлар мустаҳкамлаб қўйилди. Фуқаролик процессуал қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари давом эттирилиб, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини амалга ошириш учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида кодексга **"Буйруқ тартибида иш юритиш"** деб номланган янги 20¹-боб киритилди.

(Давоми учинчи бетда)

**Ёш авлод соғлом, ҳар томонлама етук ва комил инсон бўлиб вояга етса, жамият келажаги ҳам шунга яраша ёруғ бўлади. Шу боис ҳам мамлакатимизда бу масалага устувор аҳамият бериб келинмоқда. Хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасида ана шу мақсадда кенг кўламли ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Биргина «Соғлом она — соғлом бола» тамойилининг ҳаётга табиқ этилиши натижасида соҳада ибратли ютуқлар қўлга киритилмоқда.**

*Jamiyatimiz maqsadi*

# Соғлом фарзанд — юрт истиқболи

Қайд этиш жоизки, давлатимиз томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган бюджет маблағлари ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, умуман, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш мақсадида 2010 йилда давлат бюджетидан жами 1 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлиб, бу 2009 йилга нисбатан 30 фоиз, 2008 йилга нисбатан эса 2 баробар кўп, демакдир.



(Давоми тўртинчи бетда)

*Xabar*

# Суднинг янги биноси

## Самарқанд шаҳрида жиноят ишлари бўйича вилоят судининг янги маъмурий биноси фойдаланишга топширилди.



**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, судлар фаолиятини такомиллаштириш, уларни фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли муҳофаза этишга хизмат қиладиган мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Самарқанд шаҳри марказида замонавий лойиҳа асосида жиноят ишлари бўйича вилоят суди учун янги маъмурий бино бунёд этилди. Ушбу замонавий бинода ходимлар ва фуқаролар учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Иш кабинетлари ва суд заллари, ёрдамчи хоналар зарур мебель ва техник жиҳозлар билан таъминланди.

Маросим қатнашчилари бу ердаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

*E'tirof*

# Шогирдлар камоли — устозлар бахти



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мен буни отамдан ўрганганман. Отам математика фани ўқитувчиси бўлгани учун оила даврасидаги баҳс-мунозараларимиз, савол-жавобларимиз ҳам кўпинча шу фан атрофида бўларди. У киши ҳар биримизнинг ёшимиз, ўқиётган дарслигимизга мос саволлар бериб, билимимизни синаб кўрарди. Саволларга тўғри ва тўлиқ жавоб берганларимизни рағбатлантирарди. Бу усулни мен ҳам дарс жараёнида қўллайман. Машғулотни танлов ва мусобақа тарзида, кўргазмали воситалар ёрдамида ўтказишга ҳаракат қиламан. Бунда ўқувчилар билан биргаликда яратилган тўрт юздан зиёд кўргазмали қуроллар, саккиз юздан ортиқ тарқатма материаллардан кенг фойдаланаман. Жума ёки шанба кунлари эса, ҳар бир синфда ҳафталик машғулотлар якуни бўйича, албатта, мусобақа дарси ўтилади. Ушбу усул орқали ўқувчиларнинг билими мустаҳкамланади, фанга қизиқиши ортади. Билимли ўқувчиларнинг рағбатлантирилиши эса бошқа болаларнинг ҳам интилишига сабаб бўлади.

Юртимизда таълим соҳасига давлатимиз раҳбари томонидан шунчалик катта эътибор берилиб, ўқитувчи-мураббийлар меҳнати муносиб қадрланаётир, мактабларимиз моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Бунга жавобан биз, педагоглар айнан шундай фаоллик, фидойилик билан меҳнат қилишимиз зарур. Меҳнатимиз самарасини кўрганимизда эса барча машаққат ва чарчоқлар унутилади, шогирдларимиз қўлга киритаётган ютуқлардан бошимиз кўкка етади...

Завра Эркабоевага эргашиб, юртимиздаги нуфузли олий таълим даргоҳларида таҳсил олган ёшлар бугунги кунда турли жабҳаларда меҳнат қилмоқда. Улар орасида опага ҳавас қилиб, ўқитувчилик касбини танлаган ёш мутахассислар ҳам кўп. Жумладан, Фотима Авлодова, Дилдора Саманқулова ва Маҳфуза Ҳамидова Ўзбекистон Миллий университетида давлат гранти асосида таҳсил олиб, айни пайтда ўқувчиларга математика фанидан сабоқ бермоқда.

Ўтган ўқув йилида мактаб ўқувчилари ўртасида илк бор ташкил этилган билимлар синовида ҳам З.Эркабоева шогирдлари муваффақиятли иштирок этди. Танловнинг мамлакат босқичида бешинчи синф ўқувчиси Жавоҳир Тошмуҳаммедов биринчи, еттинчи синф ўқувчиси Фарруҳ Санақулов иккинчи ўринни эгаллади. Олтинчи синф ўқувчилари ўртасида Мўсабек Шодмонов вилоятда биринчи ўринга сазовор бўлди.

**Ғолиб ҲАСАНОВ**

*1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни!*

# Таълим фидойиларининг қадри баланд

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил 25 ноябрдаги **«Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори ушбу тизимни янада такомиллаштириш, педагогларни моддий қўллаб-қувватлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмини жорий этиш, ўсиб келаётган ёш авлодни камол топтириш жараёнида ўқитувчи масъулиятини оширишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Қарорга биноан меҳнатга ҳақ тўлашнинг холис ва ошкора механизми жорий этилиб, устама ва қўшимча ҳақ янада такомиллаштирилди.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик педагог кадрларни янада кўпроқ ўз устида ишлашга, изланишга, ёш авлодга билим беришдек масъулиятли жараёнга ижодий ёндашишга ундамоқда. Бу жиҳатлар таълим жараёнига илғор педагогик технологияларнинг фаол қўлланилишида, ёшларнинг ўқишга интилиши кучайишида, билимларни тез, пухта ўзлаштираётганида ўз ифодасини топаётир. Айни пайтда ёшларнинг педагог касбини эгаллашга интилиши кучаймоқда. Абитуриентларнинг кўплиги бўйича олий таълим муассасалари орасида Тошкент давлат педагогика университети етакчи ўринда тургани ҳам бунинг тасдиғидир.

Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, бугунги кунда ушбу тизимда 423 минг нафардан зиёд ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Устозлар меҳнатини ардоқлаш ўқитувчилар билан бирга таълим тизимининг барча бўғин ва жабҳаларида меҳнат қилаётган мутахассисларни қамраб олаётгани алоҳида аҳамиятга эгадир. Жумладан, юртимиздаги барча мактабларнинг ўқитувчилари, мактабгача таълим муассасаларининг тарбиячилари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг мураббийлари, мусиқа ва санъат мактабларининг педагоглари, «Баркамол авлод» болалар марказларининг тўгарак раҳбарлари, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг педагог, дефектолог ва педагог-психологлари меҳнатини моддий рағбатлантириш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун муносиб шароит ва қулай имкониятлар яратилган.



Ўқитувчилар меҳнатини эъзозлашга доир кенг қўламли ибратли ишлар ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим тизимларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топаётир. Президентимизнинг 2008 йил 30 июлда қабул қилинган **"Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори бунинг яна бир ёрқин далилидир. Мазкур қарорга мувофиқ тизимдаги ўқитувчилар, педагог-муҳандислар ва ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатини рағбатлантириш мақсадида юқори касб маҳоратига эга бўлганлиги ва ўқув-тарбия жараёнига шахсан ҳисса қўшгани, ўқувчиларнинг касб-ҳунар кўникмаси ва билимини ривожлантиргани, тарбиявий ва дарсдан ташқари ишлар олиб борганлиги учун ойлик устама ҳақ тўлаш тизими жорий этилди.



Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги меҳмонхона хўжалиги касб-ҳунар коллежида ҳам ўқувчиларни қизиқишига қараб турли тўгаракларга жалб этиш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ҳамда педагогларнинг касб билим ва салоҳиятини муттасил ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тарих, география, математика, информатика, хорижий тиллар сингари фанлар бўйича қўшимча ўқитувчиларнинг жалб этилгани дарсларнинг сифати ва мазмунини янада яхшилаш имконини бераётир.

Президентимизнинг 2011 йил 20 майда қабул қилинган "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори таълимнинг барча бўғинлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, юқори салоҳиятли педагогларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Қарорга кўра, ўқитувчилар лавозимлари категорияларини мақбуллаштириш, «доцент» ва «профессор» илмий унвонларини бериш тизимини такомиллаштириш, мазкур тизимнинг олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг мунтазам равишда ўз малака ва педагогик маҳоратини оширишга рағбатлантиришдаги ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда юқори малакали ўқитувчиларга уларнинг касб маҳорати ва ўқув жараёнини яхшилашга қўшган ҳиссаси, юқори самарадорлик, таълим сифати ва самарали тарбиявий иши учун ойлик устамалар тизими жорий этилди.

Буларнинг барчаси юртимиз келажаги бўлган навқирон авлод вакилларига таълим-тарбия бераётган жонкуяр, меҳридарё ўқитувчилар ва мураббийларни қадрлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш юзасидан амалга оширилаётган эзгу ишларнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

**Назокат УСМОНОВА**

*Mas`uliyat va majburiyat*

# Бурчингизни унутманг

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Яратилаётган бу каби имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланиш, қонунларга тўлиқ риоя этиш, солиқларни ўз вақтида тўлаш тадбиркорлик ривожининг энг муҳим омилларидан биридир. Маълумки, солиқ ёхуд бошқа тўловлардан бўйин товлаш давлат бюджетига салбий таъсир кўрсатади. Бироқ айрим кимсалар буни билатуриб, қонунни айланиб ўтишга ҳаракат қилади. Белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик мақсадида фойда (даромад)ни ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш ҳоллари учраб туриши ҳам фикримизнинг исботидир.



Мисол учун "Пўлат Алп" саноат тижорат фирмаси раҳбари П.Алпомишев бош ҳисобчи Н.Гиндилина билан ўзаро жиноий тил бириктириб, фирманинг 2009 ва 2010 йиллар давомида жами бюджетга тўланиши лозим бўлган 20.507.800 сўмлик мол-мулк ва ер солиғини бюджетга тўламасдан жуда кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш жиноятини содир этган. Бу қилмиши учун улар Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилди. Уларга содир қилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси, давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган суммани қайтарилгани инобатга олинган ҳолда жазо тайинланди.

Фуқаро О.Ирматовнинг қилмишлари ҳам бундан қолишмайди. У "Оқтош" ичимлик суви ишлаб чиқариш ва сотиш корхонасида бош ҳисобчи лавозимида ишлаб келиб, фойда (даромад)ни ҳамда солиқ солинадиган объектларни қасддан яшириб, камайтириб кўрсатиб келган. Корхона томонидан маҳсулотларни сотишдан тушган соф тушум 31814,4 минг сўмни ташкил этган бўлса-да, Музработ тумани давлат солиқ инспекциясига тақдим этилган ҳисоботларда 18196,0 минг сўм деб кўрсатилган. Шунингдек, жами 17992,4 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан ҳам қасддан бўйин товлагани учун у Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми билан айбдор, деб топилиб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Аммо бизнинг мақсадимиз уларни санаш эмас, балки солиқ тўлашдек конституциявий бурчимизни унутмасликка чақиришдир. Зеро, барча бирдек зиммасидаги масъулиятни ҳис этса, уларга амалда тўлиқ риоя этса, мамлакатимиз равнақига ҳисса қўшган бўлади.

**Ҳамидулла ҚУДРАТОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судининг раиси*

*Istiqlol imkoniyatlari*

# Барқарорликнинг муҳим омили

**Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, бу соҳа фаолиятини рағбатлантириш, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бу борадаги ишлар кўлами кенгайиб, тадбиркорларга нисбатан янада кўпроқ имкониятлар ва кенг имтиёзлар назарда тутилган меъёрлар қонунчиликда акс эттирилмоқда.**



Ана шу қонунлар ижросини таъминлаш борасида адлия идоралари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда тадбиркорлар манфаатларини таъминлаш, муҳими, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Андижон вилояти адлия бошқармаси томонидан тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам бериш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашишларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини бузган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, Андижон туманида фаолият олиб бораётган **"Барака"** хусусий чорвачилик фермаси раҳбари адлия бошқармасига мурожаат этиб, Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати томонидан сотиб олинган бино-иншоотларнинг кадастр ҳужжатлари таёрлаб берилмаётганлигини билдирган. Мазкур мурожаат асосида бошқарма томонидан ўрганиш ўтказилди ва аризада кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топди. Шундан сўнг чорвачилик фермаси манфаатини кўзлаб, хўжалик судига бино-иншоотларга нисбатан эгалик ҳуқуқини эътироф этиш бўйича даъво ариза киритилди. Судда даъво қаноатлантирилди.

Тадбиркорлар фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув ҳамда улар фаолиятида ноқонуний текширишлар ўтказилишининг олдини олишда **"Текширишларни рўйхатга олиш китоби"** муҳим аҳамият касб этаётган бўлса, **"Ишонч телефони"** ҳам тадбиркорга ўзига хос мадад бўлаётир.

Президентимизнинг 2009 йил 15 майдаги **"Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш ва берилган имтиёзларни тадбиркорларга ҳамда тегишли идораларга тушунтириш мақсадида зарур чора-тадбирлар, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Лекин шунга қарамай бу борада айрим қонунбузилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Жумладан, Хўжаобод туманида фаолият юритувчи "Мустақиллик 2001" масъулияти чекланган жамияти ва туман ер тузиш ва кўчмас мулк Давлат кадастр хизмати ўртасида тузилган шартномага асосан кадастр ишлари бажарилган. Бироқ, юқоридаги қарор талаблари бузилган ҳолда масъулияти чекланган жамиятдан 237.404 сўм ортиқча тўлов ундирилган. Мазкур ҳолат юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан хўжалик судига даъво аризаси киритилди ва суднинг ҳал қилув қарорига асосан ортиқча ундирилган пул маблағлари тадбиркорга қайтарилди.

Бундан ташқари тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида бошқарма томонидан вилоятнинг шаҳар-туманларида мунтазам ўрганишлар ўтказиб келинмоқда. Ўтказилган ўрганишлар давомида бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Аниқланган ҳолатлар бўйича тегишли идораларга 104 та тақдимнома киритилди. Натижада 130 нафар ходим интизомий жавобгарликка тортилди, 7 нафар ходим эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Шунингдек, 12 нафар мансабдор шахсга нисбатан суд тартибида маъмурий жарима қўлланилди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир. Бу эса, иқтисодий ислоҳотлар самарасини белгиловчи мезондир.

**Фарход АШМАТОВ,**
*Андижон вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи, 2-даражали ҳуқуқшунос*

*Qonun barchaga barobar*

# Чинакам тадбиркор

***Жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилингани туфайли соҳага бўлган эътибор янада кучайди. Тадбиркор ва ишбилармонларни ҳар томонлама, хусусан, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кўлами кенгайди.***

Яратилаётган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, эл-юртга манфаати тегаётган тадбиркорлар билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

Бироқ банкдан қарзга олинган давлат сармоясини беҳуда ҳавога совурилишига сабаб бўлаётган «тадбиркор» ниқобидаги кимсаларнинг ҳам борлиги кишини таажжубга солмай қўймайди.

Масалан, олтинсойлик Тошпўлат Абдураҳмонов «Метин-Малик» фирмасини ташкил этиб, аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда корхонанинг асосий фаолиятини минерал сув ишлаб чиқаришга қаратганда, кўпчилик хурсанд бўлган эди. Ҳатто корхонани қўллаб-қувватлайдиган хайрихоҳлар ҳам топилди.

Энди ҳамма гап фирмани оёққа турғазиш учун етарли маблағ топишда қолган эди. Т.Абдураҳмонов ва унинг ҳамкорлари ОАТБ «Агробанк»нинг Олтинсой тумани филиали маъмурияти билан ўзаро келишган ҳолда 14 фоизга 5 йил муддат билан 100 миллион сўм кредит оладиган бўлишди. Бунинг учун Денов туманидаги «Хайрабод-пахта» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқаруви банкнинг кредит тўловлари кафолатини зиммасига оладиган бўлиб, ҳар иккала томон ўртасида кафиллик шартномаси имзоланди.

Шунингдек, умумий қиймати 31 миллион сўмлик бўлган фуқаро Т.Абдураҳмоновга тегишли «Нексия» ҳамда «ГАЗ-310190», бундан ташқари А.Тўхташевга тегишли «УАЗ-3151201», А.Абдураҳмоновга тегишли «ДАМАС», Э.Зиёевга тегишли «Нексия» русумли автомашиналар, фуқаро О.Жумаев ҳисобидаги «ЮМЗ-6АЛ» русумли трактор давлат нотариал идораси орқали расмийлаштирилиб, гаровга қўйилди.

Хуллас, 2007 йил 6 апрелда барча ҳужжат ишлари ҳал этилгач, банк томонидан «Метин-Малик» хусусий фирмасига 100 миллион сўм кредит ажратилди.

Буни қарангки, аввалига «ташаббус» билан чиққан ҳаммаслаклар катта миқдордаги маблағни қўлга киритишгач, корхонани ривожлантириш, унга зарур бўлган технологик қурилмалар ҳамда асбоб-ускуналар олиб келиш ўрнига мазкур суммани савдо айланмасига ишлатиб, ундан ғайриқонуний тарзда ўз шахсий манфаатлари учун фойдаланиш йўлига ўтиб олдилар.

Бу орада банк маъмуриятининг кредит ҳисобидаги асосий қарз ҳамда унга қўшиб тўланиши лозим бўлган фоизларни талаб қилиб, бир неча марта ёзма равишда огоҳлантиришига қарамасдан, фирма ходимлари турли баҳоналарни рўкач қилиб, зиммаларидаги қарздан бўйин товлаб келишди.

Шундан сўнг Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси ОАТБ «Агробанк» Олтинсой тумани филиали манфаатини кўзлаб, ишни қонуний кўриб чиқиш учун судга даъво аризаси киритди.

Суд даъвогарлар томонидан тақдим этилган тегишли ҳужжатлар билан атрофлича танишиб, томонларнинг фикрларини тинглаб, мазкур ишга ҳуқуқий баҳо берди.

Дарвоқе, суд муҳокамаси асносида аён бўлдики, фуқаро Оқи Жумаев ҳамда унинг турмуш ўртоғи Санобар Маматқуловалар 1981 йилдан буён қонуний никоҳ асосида яшаб келаётган бўлсаларда, уларнинг никоҳлари давомида олинган, ҳар иккаласининг умумий мулки ҳисобланган «ЮМЗ-6АЛ» русумли трактор фуқаро С.Маматқулованинг розилигисиз гаровга қўйилган.

*Hikmat*

**ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...**

*Яхшилик қила олмасанг, ёмонлик ҳам қилма.*

* * *

*Бефойда сўзни кўп айтма.*

* * *

*Бировга юк бўлмасликка ҳаракат қил.*

* * *

*Заковат — бош ичидаги олтин.*

* * *

*Яхши фикрлар юракдан туғилади.*

* * *

*Дастлабки хато қилиш билмасликнинг, аммо кейингилари эса айбнинг натижасидир.*

* * *

*Фикр қалбга кирувчи нурдир.*

* * *

*Дўстидан яшириб иш қилган оқибатда уялиб қолади.*

* * *

*Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт.*

* * *

*Яхшиликнинг энг мукаммали миннат қилинмаганидир.*

*Jamiyatimiz maqsadi*

# Соғлом фарзанд — юрт истиқболи

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Албатта, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, энг аввало, бу борадаги ҳуқуқий асослар билан боғлиқ. Жумладан, фуқаролар соғлигини сақлаш тизимида ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида (1991-2000 йиллар) **"Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"**ги қонун ҳамда бир қатор Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Мазкур даврда қабул қилинган қонун ҳужжатлари, энг аввало, фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилди.

**"Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"**ги қонунга мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида, 1998-2005 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси, бепул тиббий ёрдам кўрсатадиган ва бюджетдан молияланиши лозим бўлган даволаш-профилактика муассасалари рўйхати, қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини ривожлантириш дастури каби муҳим ҳужжатлар амалга жорий этилди.



Ислоҳотларнинг иккинчи босқичи (2001 йил ва ундан кейинги йиллар)да қабул қилинган қонун ҳужжатларида аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар белгилаб берилди. Жумладан, Президентимизнинг **"2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"**ги қарорига асосан Дастур қабул қилинди. Ушбу дастурга мувофиқ, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш тизими янада такомиллаштирилди.

Кези келганда шуни айтиш керакки, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлашда ФҲДЁ идоралари ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу борада уларнинг вазифаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишдан иборат бўлиб, бунда фуқаролик ҳолати далолатномалари деганда, фуқаролар ҳаётидаги туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш каби воқеа ҳамда фактларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланиши тушунилади.

Маълумки, соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олишда никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтиши муҳим аҳамиятга эга. Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтишларини таъминлаш эса, айнан ФҲДЁ идоралари зиммасидаги муҳим вазифалардан биридир.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"**ги Низом асосида амалга оширилади. Бунда ушбу Низомга мувофиқ, никоҳланувчи шахслар ФҲДЁ идоралари томонидан тиббий кўрикдан ўтиш учун доимий ёки вақтинчалик яшаш жойидаги соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли тиббиёт муассасаларига юборилади. Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишда ФҲДЁ идоралари томонидан бериладиган **Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш учун йўлланма** асос бўлиб ҳисобланади. Ушбу йўлланма асосида никоҳланувчи шахслар руҳшунослар, тери-таносил касалликлари врачлари, фтизиатрлар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилади. Ушбу жараёнда тиббиёт муассасасининг масъул ходими тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари бўйича маълумотнома беришда никоҳланувчи шахсга аниқланган касалликларнинг никоҳ тузилгандан кейин юзага келиши мумкин бўлган оқибатларини тушунтиради.

Қайд этиш жоизки, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — бўлажак ота ва оналарни тиббий жиҳатдан текшириш ва соғлом авлод туғилишини таъминлашга қаратилган.

Никоҳни қайд этиш вақтида ФҲДЁ идоралари никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтгани ва уларнинг ушбу текшириш натижаларидан хабардорлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Шу билан бирга, никоҳланувчи шахслар тиббий кўрикдан ўтгач, никоҳ тузилишига тегишли қонун ҳужжатларида назарда тутилган тўсиқ мавжуд бўлмаган тақдирдагина, ФҲДЁ идоралари томонидан никоҳ қайд этилади. Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтмаслиги ёки тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортиши ёхуд тиббий кўрикдан ўтишни рад этиши никоҳни қайд этмаслик учун асос бўлади.

Агар никоҳланувчи шахсларда тиббий кўрикдан ўтиш чоғида дарҳол даволаш курсидан ўтишни талаб этувчи касалликлар аниқланган тақдирда, улар белгиланган тартибда тегишли даволаш муассасаларига йўналтирилади.

Хулоса қилиб айтганда, соғлом авлод дунёга келишида нафақат соғлиқни сақлаш, балки ФҲДЁ идоралари зиммасида ҳам алоҳида масъулият бор. Соҳа ходимлари амалиётда буни чуқур ҳис этган ҳолда зиммасидаги вазифани адо этиб келмоқда.

**З.АЛИШЕВА,**
*Бахмал тумани ФҲДЁ бўлими мудираси вазифасини бажарувчи*

*G'aroyib olam*

***Дунёда шундай одамлар борки, улар қандай ишга қўл уришса, албатта, ниятига етади. Биз одатда, уларни омадли кишилар сифатида биламиз. Лекин ҳаётда ана шу омадлиларнинг акси бўлган кимсалар ҳам йўқ эмас. Бундай одамлар қандай ишга қўл урса, чаппасидан келади. Буни қарангки, ўғриларнинг ҳам омадсизлари бўлар экан. Улар ўзларича пухта режалаштирдим, деб ўйлаган жиноятлари ҳам ўта кулгили ҳолатларда фош бўлиб қолади. Қуйида ана шундай ўз-ўзини фош қилган жиноятчиларнинг айримлари ҳақида ҳикоя қиламиз.***

# ОМАДСИЗ «УДДАБУРОН»ЛАР

***Ўғирлик қуроли — электр арра***

Флорида штатининг Лейк-Сити шаҳрида истиқомат қилувчи 20 ёшли Карен Ли Жохимми хоним уйи ёнида жойлашаган «Говард Жонсон» меҳмонхонасини тунашни режалаштирди. Албатта, жиноятни амалга ошириш учун Карен хонимга қурол зарур эди.

У уйидан бир пайтлар отаси ишлатган электр аррани топиб олди. Жиноятчи қурол сифатида ана шу аррадан фойдаланишга қарор қилди. Кечки пайт у юзига ниқоб таққан ҳолда меҳмонхонада пайдо бўлди ва хизматчига арра ўқталганча, пул талаб қилди. Албатта, электр аррани ишлатиш учун уни токка улаш лозим. Буни қарангки, Кареннинг ақли шу нарсага етмаган экан. У меҳмонхона хизматчисига ўқталган электр арра тугмасини қанча босмасин, токка уланмагани учун ишламади. Босқинчининг довдираб қолганини кўрган хизматчилар дарров полицияни огоҳлантирди. Полиция ходимлари жиноят жойига етиб келган пайтда ҳам Карен электр аррани ишлатиш йўлини тополмай тажанг бир аҳволда турарди. Шундай қилиб, «босқинчи хоним» лақабини орттириб олган Карен Ли Жохомми қўлга олинди ва жазога тортилди.

***Ҳовлиқма гиёҳванд***

Дублин шаҳрилик Гэвин Коулнинг жинояти фош бўлиши ҳам жуда антиқа. Гиёҳвандлик дардига мубтало бўлган бу кимса балойи нафсига ором бериш мақсадида югуриб-елиб гиёҳфурушлардан гиёҳвандлик моддаси харид қилди. Сўнг автобусга ўтирди-ю, уйига йўл олди. У йўл-йўлакай ўзига ўхшаш шеригига қўнғироқ қилиб, «дори топгани» ҳақида ахборот бериб, бекатга чиқиб туришни тайинлади. Кейин елим халтачага жойланган гиёҳвандлик воситасини қўлига олиб, томоша қила бошлади.

Омадсиз Гэвин шу даражада ҳовлиқиб кетган эдики, автобусга чиққан пайтида унинг рўпарасида полиция кийимидаги йўловчи ўтирганига ҳам эътибор бермади. Ишдан қайтаётган полиция ходими эса, айнан гиёҳвандликка қарши кураш бўлимида фаолият кўрсатар экан. У Гэвинни керакли бекатгача кузатиб борди ва шериги билан бирга қўлга олди.

***Зарарга ишлаган ҳалоллик***

Техас штатилик Эдвин Гайнорнинг жиноятлари очилишига эса, унинг «ҳалол»лиги сабаб бўлди. Бундай дейишимизга сабаб, ўз вақтида жиноят кўчасида беармон изғиган Эдвин вақти-соати келиб, тўғри йўлга қайтишга қарор қилди. У ўз олдига полициячи бўлишни мақсад қилиб қўйди. Шу мақсадда полиция идорасига мурожаат қилди. Техас полицияси раҳбарлари ўз навбатида унга тўлғазиш учун анкета беришди. Анкетада «Жиноят содир қилганмисиз?» — деган савол бор эди. Полицияда фақатгина ҳалол одам ишлайди, деган қоидага амал қилган Эдвин Гайнор ушбу савол рўпарасига ўзи томонидан қандай жиноят қачон ва қаерда содир этилгани ҳақида батафсил ёзиб чиқди.

Унинг таржимаи ҳоли билан танишган полиция ходимлари аввалига ҳазилкаш йигитчанинг устидан роса кулишди. Кейин кимнингдир хаёлига уни текшириб кўриш керак, деган фикр келиб қолди. Буни қарангки, текшириш жараёнида Эдвин ҳақиқатан ҳам, ўзи ёзган жиноятларни содир этгани маълум бўлди. Лекин ўша пайтда жиноятлар очилмай қолган экан. Шу тариқа полиция маҳкамасига ўз оёғи билан келган Эдвин Гайнор ишга эмас, тўппа-тўғри турмага йўл олди.

***Омадсиз Браун***

Браун аввалига тинчгина почта хизматчиси вазифасида ишлаб юрган эди. Нима жин урди-ю, бирданига бойиб кетгиси келиб қолди. Браун ўйлай-ўйлай бир қарорга келди. «Банкни ўмариш керак!..»

У банкни ўмариш учун жуда узоқ тайёргарлик кўрди.

...Ва ниҳоят, у кутган кун ҳам етиб келди ва Браун юзига ниқоб тутиб, қўлида қурол билан банкка кириб келди. Банк ходими негадир жуда хотиржам қиёфада, қаршилик ҳам кўрсатмасдан у айтган миқдордаги пулларни берди. Хурсанд бўлиб кетган Браун пулларни қопга жойлаб, воқеа жойидан ғойиб бўлди. Лекин эндигина уйига бориб, пулларни санашга ўтирган эдики, полициячилар эшигини қоқиб келишди. «Ҳаммасини ўта пухта режалаштирдим», деб ўйлаган Браун чучварани хом санаган экан. Чунки ўша куни унинг эгнида бўлган почта хизматчиларининг махсус кийими кўкрагида кўрга ҳассадай қилиб Брауннинг исм-шарифи ёзиб қўйилганди.

Шундай қилиб Браун беш йилга қамалди ва турма интизомини бузмагани ҳамда яхши хулқи учун муддатидан илгари жазони ўташдан озод этилди.

Энди унга нима учун «Омадсиз Браун» лақаби берилганига келсак. Браун қамоқда ўтириб чиққан бўлишига қарамасдан, ҳали банкни ўмариш фикридан қайтмаган эди. Фақат у бу гал бошқа банкни танлади. Яна узоқ тайёргарлик ва кузатишлардан сўнг у юзида ниқоб билан банкка кириб борди. Бу гал эгнидаги кийимларига ҳам алоҳида эътибор берди.

Аксига олиб, у кириб борган пайтда банкда мижозлар кўп экан. Шунинг учун у ортиқча шовқин кўтармасдан кассирга яқинлашди ва тўппончани кўрсатиб, олдига қоғоз ташлади. Қоғозда у талаб қилаётган пулнинг миқдори кўрсатилган эди. Қўрқиб кетган кассир аёл босқинчи талаб қилган сўммани берди ва Браун воқеа жойидан ғойиб бўлди. Лекин жазодан қутулиб қола олмади. Чунки у шошилинчда кассир аёлга ёзиб берган қоғозни олишни унутганди. Бу қоғоз тўлов топшириқномаси бўлиб, унинг иккинчи тарафида эса Брауннинг исм-шарифи ва яшаш манзили қайд этилган экан...

***Ухлаб, ором олди ва қўлга тушди***

Детройтлик квартира ўғрисининг «саргузашт»и эса ҳаммасидан ошиб тушади. У анча муддат бир бойвачча хонимни кузатиб юрди. Ниҳоят, кутилган кун келиб, хоним сафарга отланди. Унинг бир неча йўл сумкасини машина юкхонасига жойлаганини кўрган ўғри бемалол кўз остига олган квартирага кирди. Қимматбаҳо буюм ва пулларни ўзи билан олиб келган қопларга жойлаштирди ва музлаткичдаги хилма-хил ноз-неъматларни кўриб, қорнини ҳам тўйдириб олишга қарор қилди. Албатта, бой-бадавлат хонадоннинг музлатгичида спиртли ичимликлар ҳам бисёр эди. Ўғри бу имкониятни ҳам қўлдан чиқаргиси келмади. Турфа хил қимматбаҳо ичимликлардан оз-оз татиб кўрди ва охирида «учиб» қолди.

Эртаси куни эса уни уй эгаси ва полициячилар уйғотишди.

**Интернет материаллари асосида Сардорбек ҲАМРОЕВ тайёрлади.**

*Huquqiy savodxonlik sari*

# Мол-мулкни ижарага бериш тартиби

**Амалдаги Фуқаролик кодексининг 541-моддасига кўра, ижарага берувчи ижарага олувчига мол-мулкни шартнома шартлари ва мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолатда топшириши лозим.**



**Мол-мулкни топширишга тайёрлаш, шу жумладан, топшириш далолатномасини тузиш ва имзолашга тақдим этиш ижарага берувчининг бурчи бўлиб, унинг ҳисобидан амалга оширилади.**

**Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулк барча мансуб ашёлари ва унга алоқадор ҳужжатлар (техник паспорт, сифат сертификати ва ҳоказолар) билан бирга ижарага топширилади. Агар бундай ашёлар ва ҳужжатлар топширилмаган ва уларсиз ижарага олувчи мол-мулкдан унинг ўз вазифаси бўйича фойдалана олмаса ёхуд шартнома тузиш пайтида мўлжаллашга ҳақли бўлган анча нарсасидан маҳрум бўлса, у ижарага берувчидан бундай мансуб ашёлар ва ҳужжатларни топширишни ёхуд шартномани бекор қилишни, шунингдек, зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.**

**Агар ижарага берувчи ижарага олувчига ижарага берилган мол-мулкни шартномада кўрсатилган муддатда, башарти шартномада бундай муддат кўрсатилган бўлмаса, оқилона муддатда топширмаган бўлса, ижарага олувчи Фуқаролик кодексининг 331-моддасига мувофиқ, бу мол-мулкни ундан талаб қилиб олиш ва ижронинг кечикканлиги туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ёки шартномани бекор қилиш ва унинг бажарилмаганлиги сабабли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.**

*Giyohvandlik — asr vabosi*



# Яхши ниятли етар муродга, ёмон ниятли қолар уятга

**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Уларнинг ижроси ўлароқ, юртимизда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларда гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби хавфли одатларнинг аянчли оқибатлари тўғрисида тасаввур уйғотиш, шунингдек, гиёҳвандликнинг олдини олиш, ноқонуний гиёҳвандлик олди-бердисига қўл ураётган кимсаларнинг жиноятини фош этишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинаётир.

Шунга қарамай, айрим нафс йўриғига юрган кимсаларнинг гиёҳфурушликдай қабиҳ йўлга кираётгани ачинарлидир. Ҳолбуки, уларнинг мўмай даромад илинжида бир жойдан иккинчи жойга етказиб берган оғуси неча-неча кишининг тинчини бузади, соғлиғига путур етказади.

Гулнора Солиева ҳам ана шундай — тўғри йўлдан тойган кимсалардан биридир. Беш фарзанднинг онаси, уч нафар набиранинг бувиси бўлган бу аёл ҳақиқий бахт оила бағрида яшаш эканини ҳам, бойлик меҳнатдан келганидагина татишини ҳам билмади, тўғрироғи, бу ҳақда мулоҳаза қилиб ўтирмай, осонгина чиркин мақсадига эришмоқчи бўлди.

Унинг янги таниши Мирза Баҳриддинов ҳам оилали, тўрт нафар фарзанди бор.

Бу икки ҳамтовоқ «Хўжакент-Душанбе» автобусида танишган эди.

— Менинг яхши танишларим бор, — деди гап орасида Мирза. — Улар гиёҳванд моддалар олди-сотдиси билан шуғулланишади. Менга ишонишади, агар улардан қарзга уч-тўрт кило героин олиб, қўшни Ўзбекистонга ўтказсак, пулнинг тагида қолардик...

Шундай қилиб улар Душанбе шаҳрига келиб, Мирза айтган гиёҳфурушларни излаб топишди. Ҳақиқатан ҳам, Мирзанинг танишлари гиёҳфурушликдай қабиҳ иш билан шуғулланар экан.

Хуллас, «буюртмачи»лар нақд ўн кило гиёҳвандлик моддасини топиб берадиган, «бажарувчи»лар, яъни Гулнора билан Мирза «юк»ни белгиланган жойга етказиб бергани эвазига 7.800 АҚШ доллари оладиган бўлишди. Келишувга кўра, ёрдамчи Г.Солиевага 1000, асосий ижрочи бўлган М.Баҳриддиновга эса 6800 АҚШ доллари тегиши керак эди.

Хуллас, айланма йўллар орқали Бекобод туманига, ундан Тошкент шаҳрига келган Г.Солиева билан М.Баҳриддинов Чилонзор туманидаги кўпқаватли уйлардан биридаги хонадонда «юк»ни кута бошлашди.

Ниҳоят, Мирзанинг қўлидаги телефон жиринглади. Нотаниш киши Мирзага кўпқаватли уй орқасидаги бекатга ёлғиз келишни тайинлади. Мирза айтилган жойда ҳозир бўлгач, нотаниш кимса унга елкага осиб юрадиган қора рангли юкхалтани тутқазар экан, «юк» шунинг ичида эканлигини, яна телефон қўнғироғини кутиш лозимлигини айтиб, кўздан ғойиб бўлди.

Мирза билан Гулнора яна икки кун илҳақ бўлиб телефон қўнғироғини кутишди. Ва ниҳоят, улар кутган қўнғироқ овози янграб, гўшакдан ўша кунги кимсанинг овози эшитилди.

— «Юк»ни бугун соат 19.30да «Волгоград» кўчасида жойлашган «Мадина бону» кафесининг рўпарасидаги бекатга олиб боринг. Уни Эмин қабул қилиб олади. У юкхалтани танийди.

Белгиланган пайтда йўлга чиққан «қаҳрамон»ларимизни ҳамтовоқларидан ташқари ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари ҳам кутиб туришарди. Чунки ушбу гуруҳ аллақачон ҳуқуқ-тартибот идораларининг назарига тушиб, кузатилаётган, ҳал қилувчи дақиқа кутилаётган эди...

Тергов ва суд тергови жараёнида Г.Солиева ва М.Баҳриддинов жазодан қутулиш учун турли найрангларни ўйлаб топишди. Масалан, Г.Солиеванинг айтишига қараганда, у М.Баҳриддиновнинг нима иш билан шуғулланганини билмаган. Юкхалтада гиёҳвандлик воситаси борлигидан ҳам бехабар бўлган. Шунчаки, М.Баҳриддинов унга 1000 доллар ваъда қилгани учун юкхалтани айтилган жойга олиб бориб беришга рози бўлган...

Лекин Г.Солиева М.Баҳриддинов уйда йўқлигидан фойдаланиб, юкхалтани очган ва елим халтачага ўралган бир ўрам гиёҳвандлик моддасини ўзининг сумкачасига солиб қўйган эди. Юкхалтадаги гиёҳвандлик воситаси текширув жараёнида 9.515.69 грамм эканлиги аниқланди. Г.Солиеванинг сумкачасидан чиққан гиёҳвандлик воситасининг оғирлиги эса 115.35 грамм эди. Биринчи тергов пайтида Г.Солиева агар М.Баҳриддинов ва шериклари унга тегишли пулни бермаса, гиёҳвандлик моддасини сотиш учун яширинча олиб қўйганига иқрор бўлганди.

Судда М.Баҳриддинов аллакимдан қарздор бўлиб қолгани сабабли шу ишга қўл урганини айтиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Наҳотки, қарз бўлиб қолган ёки бойиш истагидаги киши гиёҳфурушликдай қабоҳатга қўл уриши мумкин? Ахир, 10 килограмм гиёҳвандлик воситаси қанчадан-қанча жиноятни келтириб чиқармасмиди? У неча-неча оиланинг тинчини бузиб, фарзандларнинг етим қолишига сабаб бўлмасмиди?

Афсуски, шундай. Бу қора ниятли кимсалар давлатимиз чегарасини бузиб ўтиб, бу ҳам етмагандек, жамият барқарорлигига, юртимиз тинчлигига зарар етказиши мумкин бўлган гиёҳфурушликдай жирканч ишга қўл уришди. Бу ишнинг қанчалик ижтимоий хавфлилиги тўғрисида эса, ўйлаб ҳам кўришмади. Чунки уларнинг мақсади — нима қилиб бўлса-да, мўмай даромад орттириш эди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳушёр ходимларининг тезкор саъй-ҳаракати туфайли улар ғаразли мақсадига ета олмади. Ушбу жиноят ишини кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани суди Г.Солиевага 15 йил, М.Баҳриддиновга 20 йил қамоқ жазоси тайинлади. Уюшган жиноий гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам қилмишларига яраша жазо олишди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ёмонликнинг охири ҳамиша войдир. Жиноятга қўл урган кимса ҳеч қачон жазодан қочиб қутула олмайди. Шундай экан, эгри қадам ташлашдан олдин унинг оқибатини ўйлаш лозим. Ана шундагина киши эртага бир кун афсусланиб юрмайди.

**Муҳиддин ХОЛМОНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани судининг раиси*
**Ислом ҲАМРО,**
*«Куч — адолатда» мухбири*

**КУЧ—АДОЛАТДА**

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

**Бош муҳаррир:**
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Баҳриддин НАИМОВ

**Навбатчи муҳаррир**
Отабек САФАРОВ

**Саҳифаловчи**
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.**
**E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru**
**Тел.: 239-02-54, 239-02-55**

Буюртма: Г-916. Қоғоз бичими: А-2.
Сотувда эркин нархда. Адади: 7625.
1 2 3 4 Топшириш вақти: $20^{00}$ Топширилди: $22^{00}$